

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШДА АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯНИ ЎҚИТИШНИ КАСБГА  
ЙЎНАЛТИРИШ .

М.Кучқорова

*ФарДУ*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)ида касб - хунар коллежларида ўқитишни замон талаблари, ишлаб чиқаришнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида ташкил этиш мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришда муҳим омил эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бўлган давлат ва жамият таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафолатли органлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш эса кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий техника жихатдан таъминлаш жараёнини қатнашчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш халқ хўжалигининг барча тизимлари касб хунар коллежларини битириб чиқаётган мутахассис кадрларга асосий буюртмачи сифатида қабул қилинаётган ишчи хизматчиларнинг малакасига, ишни ташкил этиши ва новаторлик қобилиятларига бевосита кизиқишга, иш берувчи сифатида ишлаб чиқаришни уларнинг масъулияти қандай эканлигини билишга ҳақлидирлар.

Республикамизда ҳар йили бир неча ўн минглаб ўғил ва қизлар касб хунар коллежларини битириб ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларда ўзини ўринларига эга бўлмоқдалар.

Бугунги куннинг ўрта бўғин мутахассисларини тегишли уқув юртини тугатиб, корхона ва муассасаларда профессионал даражасида фаолият юритиб кетиши ўқув муассасаларида ўқитилаётган фанларнинг таркиби, ўқитиш сифати ва таълимнинг замонавий технолагияларидан фойдаланишига боғлиқ.

Республикамизнинг барча касб хунар коллежларида ўқитиладиган фанлар қатори Амалий география фани ҳам 40 соат миқдорида ўқитилади. Мазкур фан таълим стандарти бўйича тузилган дастур ва ўқув режасига



эга. Лекин мазкур фаннинг ўқитилиши, унинг дастури бугунги куннинг талабига мос келадими, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини дунёқарашларини, сиёсий онгини, маънавий баркамоллигини шакллантиришда уларнинг касб махоратини эгаллашларида муҳим ҳисса қуша оладими? деган савол туғилади.

Биз касб хунар коллежларида ўқитиладиган Амалий география фанини ва унинг дастурий, амалий камчиликларини кўрсатиб бермоқчи эмасмиз, лекин мадомики, ўқитиладиган ҳар бир фан ёшларни тегишли касб хунар эгаллашига, ишлаб чиқаришда унумли ва сифатли фаолият юритишига ёрдам бериши керак.

Бу борада бизнинг тавсиямиз касб-хунар коллежларининг йўналишларидан келиб чиқиб географиянинг мазкур йўналишларига мос тармоқларини ўқитишни йўлга қўйиш керак. Буугунги кунда география фанлари таркибига кирувчи Тиббиёт географияси, Мухандислик географияси, Қишлоқ хўжалиги географияси, Мелиоратив география, Рекреацион география, Сервис географияси, Сиёсий география, Иқтисодий ва ижтимоий география, Транспорт географияси, Демография каби кўплаб йўналишлар борки, мазкур фанларни касб хунар коллежларнинг тегишли йўналишларига қараб танлаш ва касбий фанлар сифатида ўқитиш бўлажак мутахассисларни касбий малакаларини оширишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Тиббиёт йналишидаги касб хунар коллежларида Тиббиёт географиясини, Қишлоқ хўжалиги касб - хунар коллежларида Мелиоратив географиясини, Саноат қурилиш коллежларида Мухандислик географияси фанларини ўқитишни ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, бўлажак Тиббиёт ходими касалликларни келиб чиқишида табиий шароитнинг роли, турли географик муҳитда яшовчи кишиларнинг касалликларга чалинганда иқлим. сув, тупроқ, ҳаво, ўсимлик ёки жонзотларнинг ролини билишлари ва касалликларни даволашда табиий компонентларнинг аҳамиятини билишлари керак. Бу ўринда Тиббиёт географияси фанининг имкониятлари каттадир.

Қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги агросаноат касб хунар коллежларида Мелиоратив география фанини ўқитилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мелиоратив география фани табиий шароитнинг қишлоқ хўжалигига таъсири, мелиоратив тадбирларни амалга оширишда табиий шароитни ҳисобга олиш, мелиорация турлари ер мелиорацияси, сув мелиорацияси, иқлимий мелиорация, ўсимликлар мелиорацияси, каби



йирик масалаларни ўз ичига олиб, уларни ўрганиш асосида бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассиси етарли билим ва тажрибаларга эга бўлади.

География бу қадимий классик фанлар қаторига киради, айти кунда унинг таркибидаги замон талабига, фан техника тараққиётига, ишлаб чиқаришга ва уни ҳудудий жойлаштириш қонуниятларини очиб беришга асосланган йўналишлари ривожланиб бормоқда.

Қуйида касб-хунар коллежларида амалий география фанини мутахассисликларга йўналтирилган тармоқларни тавсия этамиз.

Касб хунар коллеж-лари йўналишлари.	Тавсия этиладиган фан.	Умумий соат.	Шундан.	
			маъруза	амалий
1.Тиббиёт коллежлари	Тиббиёт географияси	70	30	40
	1.Мелиоратив географияси	60	30	30
	2.Агросаноат коллежлари	2.Қишлоқ хўжалиги географияси	60	30
3.Иқтисодиёт коллежлари	1.Иқтисодий ва ижтимоий Географияси	60	30	30
	2.Демография асослари	50	30	20
4.Ҳуқуқ коллежлари	1.Экология ҳуқуқи	70	40	30
	2.Табиий ресурслардан фойдананишнинг географик асослари	60	30	30
5.Маиший хизмат коллежлари	1.Аҳоли географияси	50	30	20
	2.Сервис ва транспорт географияси	60	30	30
	3.Рекреция ва туризм географияси	60	30	30
6.Педагогика коллежлари	Амалий география	60	30	30
7.Алоқа ва транспорт коллежлари	Транспорт географияси	60	30	30
8.Санат,муסיқа йўналиши коллежлари	Рекреация географияси	60	30	30

Республикамиздаги касб-хунар коллежларида география йўналишларидаги фанларни мутахассисликка яқинлаштириш кўзда тутилдиган бўлса, тегишли фанлар учун намунавий дастурлар, ўқув режалари ва зарур адабиётларни яратишда республикамиз олий ўқув юртларидаги географ олимлар амалий ёрдам берадилар деб ишонамиз.



1. Солиев А.С. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари.-Т., 1995.

2. Солиев А.С. Тожиева З.Н. Иқтисодий ва социал география асослари.-Т., 2000 . Маърузалар матни.

3. Солиев А. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари.-Т., 1999.

